

THE RELEVANCE OF INDIVIDUAL LABOR DISPUTES IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

Rahimkulova Lola Ulugmurodovna,

Independent PhD student,

Tokent State Law University, E-mail: l.rahimqulova@gmail.com.
(Republic of Uzbekistan, Department of Labor Law)

ANNOUNCEMENT

This article deals with the relevance of individual labor disputes in the analysis of labor legislation of Uzbekistan. There are also prospects for the establishment of labor courts in order to improve labor legislation.

Keywords - individual, labor disputes, affiliation, remote labor, labor disputes commission.

I. КИРИШ

Ривожланган иқтисодиёт, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий ҳимоя, фаол фуқаролик жамияти мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг пировард мақсадлари хисобланади. Ўзбекистонда бошланган янги ислоҳотлар тўлқини эса унинг ўз олдига қўйган мақсад сари қатъий ҳаракат олиб бораётганидан далолат беради. Шу ўринда инсон омили устувор бўлган ва ижтимоий йўналтирилган давлатни тўла-тўкис қуриш вазифаси кенг кўламли ижтимоий ислоҳотлар ўтказишни талаб этаётганлигини таъкидлаш лозим.[1] Мехнат низоларининг тааллуқлилиги ҳақида Х.В.Бурханходжаева,[2] М.М.Каримжонов, [3] Б.Д.Рахимберганова[4] каби тадқиқодчилар ҳам ўз илмий ишларида тўхталиб ўтишганлигини гувоҳи бўлишимиз мумкин.

II. МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР

Ушбу мақола доирасида якка меҳнат низоларини тааллуқлилигини ёритиш учун қиёсий-хукуқий таҳлил, қонун нормаларини таҳлил қилиш, юридик-техник методларидан фойдаланилди.

III. МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда ишчи кучи меҳнат бозорининг олди-сотди обьекти яъни, товари сифатида баҳоланмоқда ва мураккаб меҳнат муносабатлари шаклланмоқда. Ақлий ёки жисмоний меҳнатни сотиш маълум бир шартлар асосида амалга оширилмоқда. Ўзбекистон меҳнат бозорида замонавий ходимлар ўз меҳнат қобилятидан унумли фойдаланмоқда. Улар ўз меҳнатини иқтисодий манфаат олиш эвазига иш берувчиларга сотишмоқда.

М.Хожабековнинг фикрига кўра, бугунги кунда аҳолининг катта қисми ўз ишидан ташқари яна қўшимча иш билан шуғулланишни, яъни ўриндошлиқ асосида фаолият юритишни афзал кўрмоқда.[5]

М.Рахимовнинг фикрига кўра, давлат ҳам меҳнат бозорида ўзини-ўзи иш билан банд қилган аҳолини қонунийлаштириш тарафдоридир. Давлатнинг ўзини-ўзи иш билан таъминлаган аҳолини қонунийлаштиришга бўлган эҳтиёжининг асосий сабаби бюджетга қўшимча солиқ тушумлари ва ижтимоий бюджетдан ташқари фондлар юкини камайтиришга интилишидир.[6]

Айтиб ўтиш лозимки, меҳнат бозорининг ривожланиши ўз-ўзидан меҳнат муносабатларида меҳнатга оид келишмовчиликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, меҳнат шартномасида назарда тутилган шартларни ижро этиш, уни ўзгартириш ёки бекор қилиш иш берувчи ва ходим ўртасида якка меҳнат низоларини келиб чиқишига олиб келувчи асосий омил бўлиб қолмоқда. Бу каби низоларни қисқа муддатда ва самарали кўриб ҳал этиш бугунги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат қонунчили олдида турган асосий вазифалардан биридир. Бугунги кунда меҳнат низолари институти меҳнат муносабатларида юзага келган ҳуқуқий низоларни кўриб ҳал этишни тартибга солувчи меҳнат ҳуқуқининг асосий инситутларидан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Г.Галиакбарованинг фикрига кўра, меҳнат ҳуқуқи меҳнат низоларига тааллуқли барча муносабатларни тартибга солмайди. Меҳнатга оид низоларнинг бир қисми яъни якка меҳнат низоларини кўриб ҳал этишни фуқаролик-процессуал ҳуқуқи тартибга солади. [7] Юридик адабиётларда тааллуқлилик тушунчасининг ўзига аниқлик киритиш борасида ягона қарашлар мавжуд эмас. Шунинг учун ҳам айрим олимлар юридик луғатлар ва бошқа ўқув адабиётларда тааллуқлилик тушунчасига камдан-кам таъриф бериб ўтилишининг сабабини бу борада ягона қарашларнинг мавжуд эмаслигига деб билади. Хусусан, Ш.Ш.Шорахмедовнинг фикрича, тааллуқлилик деганда фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилиш вазифаси қонун билан муайян давлат органи ёки жамоат ташкилоти зиммасига юклатилганлиги тушунилади.[8]

Г.Галиакбарованинг фикрига кўра, тааллуқлилик- меҳнат низоларининг мазмун-моҳиятидан келиб чиқсан ҳолда дастлаб қайси органда кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши лозимлигини кўрсатиб тутувчи мезондир.[7]

Меҳнат низоларини кўриб чиқиш ва ҳал этишда унинг субъектлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Меҳнат муносабатлари субъектлари бошқа тармоқлари субъектларидан ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб алоҳида ажralиб туради. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Процессуал кодексининг 42-моддасида меҳнат билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлардан ва олинган иш ҳақини ёки бошқа даромадни

тасарруф этиш билан боғлиқ битимлардан келиб чиқадиган ишлар бўйича воягаётмаганлар судда ўз ҳукуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини шахсанҳимоя қилиш ҳукуқига эгалиги ҳамда бундай ишларда вояга етмаганларга ёрдам бериш учун уларнинг ота-оналарини, уларни фарзандликка олганларни ёки ҳомийларни жалб қилиш тўғрисидаги масала суд томонидан ҳал қилиниши белгилаб ўтилган.[9] М.Раҳимовнинг фикрича, COVID-19 меҳнат ҳукуқи соҳасига янги институт масофавий меҳнатни қонунчилик даражасида мустаҳкамланишига сабаб бўлди. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирининг 2020 йил 25 мартағи 9-2020/Б-сон буйруғи (рўйхат рақами 3228) билан иш берувчилар ходимларни розилиги билан уларни масофавий иш усулида, мослашувчан иш жадвалида ёки уйда ишлашга ўтказишлари мумкинлиги белгиланди.[10]

Якка меҳнат низоларини кўриб ҳал этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси билан тартибга солинади, меҳнат муносабатларидан келиб чиққан низоларни туман (шаҳар) судларида кўриб чиқиши тартиби эса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодекси билан ҳам белгиланди. Бизга маълумки, мамлакатимиз меҳнат қонунчилигига мувофиқ, айрим тоифадаги меҳнат низолари меҳнат низолари комиссиясилари томонидан кўриб чиқилиши мумкин. Юридик адабиётларда ҳам меҳнат низолари тааллуқлиликка оид белгиларига қараб, уч турдаги иш юритишга ажратилиши кўрсатилади. Булар:

- Меҳнат низолари комиссиялари ва судда кўриш учун белгиланган умумий тартиб;
- Бевосита судда кўриладиган меҳнат низолари учун белгиланган суд тартиби;
- Айрим тоифадаги давлат хизматчилари тааллуқли меҳнат низоларини кўриб чиқиши учун белгиланган маҳсус тартиб.

Демак, якка меҳнат низолари ходим корхонадаги статусидан, яъни тўлиқ бўлмаган штатда фаолият юритишидан ёки ўриндошлиқ асосида фаолият юритишидан қатъий назар меҳнат низолари комиссиясига меҳнат муносабатларида келиб чиққан низо юзасидан шикоят билан мурожаат қилиш имкониятига эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра, “Ҳар бир шахсга ўз ҳукуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдр шахслари, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳукуқи кафолатланади.[11]

Ходимнинг меҳнат ҳукуқлари суд тартибida ҳимоя қилиниши энг муҳим конституция даражасидаги кафолат ҳисобланади. Ходм ҳар қандай меҳнат низоси юзасидан бевосита судга мурожаат этишга ҳақли бўлади ва бунда суд мазкур масала юзасидан бевосита судга мурожаат этишга ҳақли бўлади ва бунда суд мазкур масала юзасидан дастлабки тарзда

мехнат низолари комиссиясига мурожаат қилинмаганлигини важ қилиб, даъво аризасини қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

Мехнат низолари икки сабабга кўра суд тартибида кўриб чиқилади:

- Корхонада мехнат низолари комиссияси тузилмаган бўлса;
- Мураккаблиги туфайли юқори малакали юрист мутахассис томонидан кўриб чиқилиши зарур бўлса.

Махсус мехнат судлари бу айнан мехнат муносабатларида юзага келган низоларни қисқа муддатда кўриб чиқувчи ва самарали ҳал этувчи суд ҳисобланиб, бу суд амалиёти Ўзбекистон Мехнат қонунчилигига шакллантирилмаган. Бироқ, кўплаб давлатларда мехнат судлари фаолияти анча ривожланган.

Аксарият Европа мамлакатларида ихтисослашган мехнат юстицияси мехнат ишлари бўйича судлар кўринишида ташкил этилган. Мазкур судларда мехнат низоларини кўриб ҳал этиш вазифаси юклатилган бўлиб, шу орқали мехнат муносабатларини ҳукуқий тартибга солишга солишга ҳамда бозор иқтисодиётини ривожлантиришга кўмаклашадилар.

IV. ХУЛОСА. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ёлланиб ишлаётган ҳар бир ходимнинг мехнат ҳукуқларини самарали ҳимоя қилиш учун унинг тааллуқлилигини тўғри аниқлаб олишимиз ва бу борада халқаро нормаларни чукур таҳлил қилишимиз лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

- [1] Ismailov, Sh.A. (2018) "Problems of legal regulation of differentiation in the labor sphere," Review of law sciences: Vol. 2 : Iss. 1 , Article 14. Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol2/iss1/14
- [2] Burxanxodjayeva, X.V. (2020) "Features of regulation of labor relations in microfirms," Journal of Law Research: Vol. 8: Available at: <https://law.tadqiqot.uz/index.php/law/article/view/144>
- [3] Karimjonov, M.M. (2020) "Peculiarities of application of disciplinary sanctions to individual categories of workers under quarantine," Review of law sciences: Vol. Special, Available at: <https://cyberleninka.ru/article/n/osobennosti-primeneniya-distsiplinarnykh-vzyskaniy-v-otnoshenii-otdelnyh-kategoriy-rabotnikov-v-usloviyah-karantina/viewer>
- [4] Raximberanova, B.D. (2018) "The issues of improving the basics of working on situations beyond the will of the parties," Review of law sciences: Vol. 2 , Article 15. Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol2/iss1/15
- [5] Xojabekov, M.A. Правовое регулирование труда лиц, работающих по

совместительству // Отечественная юриспруденция. 2019. №7 (39). URL:
<https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoe-regulirovanie-truda-lits-rabotayuschihs-po-sovmestitelstvu>

[6] Raximov, M.A. (2018) "New institution: resolving labour disputes through mediation," Review of law sciences: Vol. 3 : Iss. 1 , Article 11. Available at: https://uzjournals.edu.uz/rev_law/vol3/iss1/11

[7] <https://cyberleninka.ru/article/n/k-voprosu-o-podvedomstvennosti-individualnyh-trudovyh-sporov-v-respublike-kazakhstan>

[8] Мамасиддиқов М.М. Мәжнатга оид етказилған моддий ва маънавий заарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари. Дис..Т.:2009.

[9].<https://law.tadqiqot.uz/index.php/law/article/view/105/106>

[10] Raximov, M.A. Пандемия: нуждается ли трудовое законодательство в реформах? // Review of law sciences. 2020. №2. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pandemiya-nuzhdaetsya-li-trudovoe-zakonodatelstvo-v-reformah> (дата обращения: 01.12.2020).

[11]Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <http://constitution.uz/uz/clause/index>